

МЕҲРНИНГ ҚУДРАТИ

Отам маърифатли инсон эди. У қишлоғимиздаги мактабда директор бўлиб ишлаган пайтлари ҳар байрамда адабий-бадий кечалар уюштирилди. Ҳатто мактабда отамнинг ташаббуси билан қурилган клубда ўқитувчи, ўқувчилар ўзлари роль ижро этишиб, Ҳамза, Комил Яшин, Уйғун асарларидан, отамнинг талаби билан, спектакллар саҳналаштиришган.

Отам фарзандлари ичида Неъматилла акамни ўзгача яхши кўришининг оғриқли сабаби бор эди. Энамнинг айтишича, отамнинг энг суйимли, туғишган укаси Холбой амаким ўттиз беш ёшида оғир хасталиқдан вафот этади. Амакимнинг жанозаси куни эса Неъматилла акам туғилган. Отам кечки пайт жанозадан қайтиб:

— Куйган журагимга кулча бўлдинг, болам, — деб йиғлаган экан.

Мактаб ўқитувчилари отамнинг нозик жойини жуда яхши билишган. Шунданми, мактабда байрам тадбири ўтадиган бўлса, ўқитувчилар уйимизга келиб Неъматилла акамни олиб кетишаркан. Эндигина беш ёшга тўлган акам саҳнада “Ошпаз кўшиғи”ни ижро этаркан.

*Ошпазлик касби корим,
Меҳнатим ифтихорим.*

*Куймасин деб тагини, тагини,
Пасайтирдим оловни.*

*Тезроқ пишиб чиқсин деб,
чиқсин деб,*

Дамлаб қўйдим половни...

Кўшиқни тамомлаб, таъзим қилганда, йиғилганлар уни қийқириб олқишлаганини эшитганман. Шундан сўнг ўқитувчилар акамни яна уйга олиб келиб қўйишган.

Кейинчалик ҳам отам иш, мажлислардан дилгир бўлиб келса, Неъматилла акамдан бошқа ҳеч ким унинг ёнига йўл олмасди. Акам сочлари жингалак, қўй кўзли, мактабда аълога ўқирди. У асабий, важохатла уйга келган отамга қандай муомалада бўлишни биларди.

— Ота, сизди яхши кўраман-да, — дерди у.

Отам эса кап-катта акамни бағрига босарди.

— Улимдан, менам силарди яхши кўраман, — дерди.

— Бугун математикадан беш олдим. Оббосова мени жуда мақтади. Отаннинг улсан-да, деди.

Отам ҳарчанд кайфиятсиз ўтирган бўлса-да, бу эътирофдан яйраб кетарди.

— Ҳа, улимдан, оно шундай поқот бешга ўқи. Менинг болам бўсангнар, шу қишлоқлардан жориб чиқингнар, — дерди отам...

Совуқ киш кунларининг бирида Неъматилла акам қаттиқ шамоллаб қолди. Отам дарҳол янги суйилган кўйнинг думбаси билан қизил шолғом қайнатишни буюрди. Энам пишган таомни сузиб келиб, мажбурлаб акамга ичирди. Сўнг қорабоғлик Пирмат дўхтир чақиртирилди. Бир кўзи ақий (ғилай) бу дўхтир оиламизнинг қадрдони эди. Кулганда ана шу кўзи кўрқинчли бўлиб кетса ҳам биз болалар уни ҳурмат қилардик. У киши акамни текшириб дори-дармон ёзиб берди. Отам Эркин акамга отни тайёрлашни буюрди. Кўп ўтмай қизил каштали “дигдика” (отам отини шундай деб атарди) лари эгарланди. Отам отга бир сакрашда минди-да, ҳовлиданоқ қамчи босди.

Кўп ўтмай отам бир халта дори-дармон кўтариб кириб келди. Пирмат дўхтир яна келиб акамга укол қилди. Аммо акамнинг иситмаси ҳадеганда туша қолмади. Шунданми, отам уйда акамга қараб туриш учун навбатчилик тайинлаб қўйдилар. Катта ака-опаларим узоқ шаҳарларда ўқиётганлиги учун Гулсора опам билан мен навбати билан қарардик. Бир куни менинг навбатим эди. Кечки пайт, ҳамма ухлаганда Неъматилла акам астагина:

— Гули, шўр анор егим кел-япти, — деди.

Акамнинг товуши хасталигидан бўғиқ базўр эшитиларди. У мени безовта қилаётганидан хижолат бўлдими, кўзлари андак намланганини сездим. Пушкиннинг эртақларини ўқиётган эдим, китобни аста ёпдим. Уйда анор қолмаганини билардим. Ҳасан тоғамнинг эса ҳовлисида катта анорзор бор. Ортганини ғамлаб қўйишади.

— Ака, фонусни олсам майлими? Кўрқмайсизми? — деб сўрадим.

— Қўрқмайман, олавер, — деди акам менинг нима қилмоқчилигимга тушунмай.

Елкамга энамнинг қизил шол

рўмолини ташладим, фонусни кўлимга олиб ҳовлига чиқдим. Яримта ой осмонда хира нур сочар эди. Атрофга назар ташлаб кўзимни ўргатиб олдим. Ваҳи-мали туюлган нарсалар — дарахтлар, ошхона олдида қорайиб турган нарса — сўкичак эканини, унинг устидаги улкан сават, саватнинг устида гўштни ёввойи мушукдан ҳимоялаш учун қўйилган катта болта, сим дорда осилиб турган — опам ювган кийимлар, анави узала тушиб ётган нарса эса дов-дарахт сояси, қорайиб турган тандир-ўчоқ, устунга осилиб турганни тузлик, исирик халта, ҳар замонда эшитилаётган пишқирган товуш отамнинг оти

мевали дарахтлар, йўнғичқазорлар, кузда ағдариб ташланган поллиз ўрни, чап томонидаги молхона, отхоналарнинг туйнуклари кўрқинчли кўринар, шунданми, ҳеч қачон қарамай тез-тез юриб борардим.

Барибир кўрқув мени ортга қайтаролмасди. Акамга анор олиб келишим керак эди. “Кўрққанга кўша кўринади”, дейишгани рост. Худди ортимдан бир нима қувиб келаётгандай, шол рўмолимни маҳкам ушлаб, бир бориб, бир келаётган фонусни ликиллатганча тоғамнинг ҳовлиси томон интилардим.

Ё тавба, кундуз кунлари бу боғдан эрмакка неча бориб, неча қайтамыз. Пастқам деворлар



Гулжаҳон МАРДОНОВА

Қуёшим ЭНАМ

(АСАРДАН ПАРЧА)



дан ўтаётганимда ана шу кўрганларим баттар этимни жунжиктирар, кўрқув босиб келарди.

Хаёлимда тоғамнинг ташқарига фонус илинган ҳовлисига етишим қийиндек, манзил жудаям узоқдек эди. Нихоят, хилват боғ ортда қолди. Боғ билан тоғамнинг ҳовлиси оралиғига ўрнатилган омонатгина даричани бор кучим билан очдим-да ҳовлига отилиб кирдим. Момом ухлайдиган хона деразасидан лампа чироқнинг ёруғи пиррираб турарди. Тўғри шу томонга юрдим.

— Момо, момо менман, — титрабгина товуш бердим момомга ва эшикни очдим.

Кўзлари уйқуга илинган момом талмовсиради. Ва тез ўрнидан турди. Момом ухлайдиган хонада тоғамнинг қизлари Хосият, Гулнора холам қотиб ухлаб ётарди.

— Ҳай Гулимисан? Болам ярим кечаси нима қип жўрибсан? — қотмадан келган момом отилиб ўрнидан турди-да, мени бағрига қаттиқ босди.

— Акам анор жейман, деяпти. Бугун мен қараб турувдим, — дедим титраб ва йиғлаб юбордим.

— Вой, отанга айтсанг бўмай-дими, битта ўзинг қоронғида журмай, — деди момом хавотирли

Гулжаҳон Мардонова — 1961 йил Қамаш туманидаги Бадахшон қишлоғида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори.

Унинг “Нур тўла уй”, “Алла айтай, жоним болам”, “Хушрўйлик сирлари”, “Ори кўшиқ бўлган юрт”, “Фарзандингизга ўйинлар”, “Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш”, “Истиқлолдан яшнаётган юрт”, “Онам айтган аллалар”, “Ўзбек халқ кўшиқлари” каби қатор китоблари нашр этилган.

Қуйида муаллифнинг “Қуёшим энам” асаридан парча эълон қилинди.

товуш билан. — Онор силардан айлансин, ҳозир болам.

Мен хира чироқ ёруғида момомнинг хатти-ҳаракатини кузатиб турдим. Бўйчан, қотма, кўк сагин кўйлагининг энглари ҳилвиллаган момом ўртага гарди рўмол ёзди. Токчадаги катта товоққа солиб қўйилган анорлардан танлаб-танлаб олди. Анорларни рўмолга тугиб, эгнига йўл-йўл қизил кандир пешматини кийди, қора шол рўмолини ёпиниб, желагини бошига ташлади.

— Жўр, болам, мен сен билан бораман. Битта ўзинг кўрқасан, — елкаларимни сийпалаб қўйди момом.

Менга жон кирди. Момомнинг кўллари билан маҳкам ушлаб олдим. Яна ўша хилват боғдан ўтдик. Аммо бу сафар кўрқмадим. Чунки момом ёнимда мени алқаб келарди:

— Ака-укалар, опа-сингиллар бир-бирига меҳрибон бўлиши керак. Сенинг меҳрибонлигини қара. Бошқа жомон сингил бўлганда акасига анор қидириб, ярим кечаси бу боғдан ўтмайди, — деди момом.

Уйга кирганимизда ҳамма ухлаб қолган, биргина Неъматилла акам ухламай бизни кутиб ётган экан. Фонусни дераза тоқчасига қўйдим. Момом атрофга аланглаб дарров пичоқни топиб анорни кесди. Доналарини пиёлага ситди. Мен акамнинг оғзига қип-қизил анор доналаридан эҳтиётлаб сола бошладим. Акам мазза қилиб битта анорни еди. Кейин менга қараб шундай чиройли кулиб қўйдими, кўзлари нурланиб кетди. Мен акамнинг кўрпасини тўғрилаб қўйиб, печга яна ўтин солиб қўйдим. Кўп ўтмай акам ухлаб қолди. Шундан сўнггина ўзимга солинган ўринга момом билан чўзилдик.

Эртаси Неъмат акам кечагидан кўра анча дуруст бўлиб ўйғонди. Чой ичаётганимизда момом кечаси бўлган анор воқеасини отамга айтиб берди. Отам, ҳамма нарсадан ҳам хурсанд бўлавермайдиган отам яшнаб кетди. Менинг сочларимни силаб алқади.

Менга акамни охириги марта кўриш насиб этмади. Фақат ўлимдан бир кун олдин уйимга кўнғироқ қилиб:

— Гулижон, байрамда болаларинг билан албатта келинглар. Поезддан тушишингга эгнингга зар қўйлак кийдираман, сингилжоним. Сизларни соғиндим, — деган гапи қулоғимда бир умр сирга бўлиб қолди.

Ҳажиядан хабар топгач Қамашига учдим. Акамни сўнги мақомига олиб кетишган экан. Менга акажонимдан ана шу меҳрли гап мерос бўлиб қолди...

— Ҳа, энамдан, — деди отам. — Бугун районга тушаман. Айтган эртақ китобларингди апкеламан.

Бу воқеадан кейин жуда кўп йиллар ўтган бўлса-да, ҳали ҳам анор еб, мазза қилган акамнинг кўзидаги чўғланишни унута олмайман. Энди ўйласам акагинамни ўша анордан ташқари, бизнинг меҳримиз ҳам даволаган бўлса керак. Акамнинг кўзларида ялтиллаган чўғланиш эса ҳар хотирлаганимда ҳаяжонга солади. Юрагимга ғалаён олиб киради.

Бу ғалаён акагинамнинг биз жигарларига беқиёс меҳри-муҳаббати, эътибори билан, қолаверса, тақдир, умр чизиғи Холбой амакимнига ўхшаб яқун топгани билан боғлиқ, деб ўйлайман. Неъматилла акам Москвадаги Автомобиль йўллари институтини имтиёзли диплом билан тамомлаб, тўғри Самарқандга ишга йўлланма олган. Вилоят автомобиль йўллари бошқармасида ўн бир йил ишлаган акам:

— Ота-онам кескайиб қолди. Энди Қамашига қайтаман. Уларга хизмат қилишим керак, — деб Қамашидан уй-жой қилди.

Вилоятда яхши лавозимда ишлай бошлади. Ота-онам бағри тўлгандан хурсанд эди. Аммо кунлардан бир куни акамни ўз синфдош дўстлари меҳмонга чақиритиб, орқасидан пичоқ санчиб ўлдиришади. Нима сабабдан эканлиги бизга ҳалигача қоронғи бўлиб қолди.

Менга акамни охириги марта кўриш насиб этмади. Фақат ўлимдан бир кун олдин уйимга кўнғироқ қилиб:

— Гулижон, байрамда болаларинг билан албатта келинглар. Поезддан тушишингга эгнингга зар қўйлак кийдираман, сингилжоним. Сизларни соғиндим, — деган гапи қулоғимда бир умр сирга бўлиб қолди.

Ҳажиядан хабар топгач Қамашига учдим. Акамни сўнги мақомига олиб кетишган экан. Менга акажонимдан ана шу меҳрли гап мерос бўлиб қолди...